

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВ БЕКЗОД БОЙМУРАТОВИЧ  
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ  
ТАШКИЛОТЛАРИ ИШТИРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК 328.1 (575.1)

Сийёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по политическим наукам  
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences

**Расулов Бекзод Боймуратович**  
Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклигини  
таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини ривожлантириш  
механизмлари.....3

**Расулов Бекзод Боймуратович**  
Механизмы развития участия неправительственных некоммерческих  
организаций в обеспечении прозрачности органов государственного  
управления в Узбекистане.....21

**Rasulov Bekzod Boymuratovich**  
Mechanisms for developing the participation of non-governmental non-profit  
organizations in ensuring transparency of public administration in  
Uzbekistan.....10

**Эълои қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works.....11

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ БЕКЗОД БОЙМУРАТОВИЧ  
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ  
ТАШКИЛОТЛАРИ ИШТИРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ

23.00.02 – Сийёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСІЙ ФАНЛАР БЎЙІЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Сийсий фаилар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ss166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.miu.uz) ва «ZiyouShe» ахборот-таълим порталида (www.ziyouhe.com) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кўчқоров Ваҳоб Хошимович**  
сийсий фаилар доктори, профессор

**Расмий ошпоненглар:**

**Жўраев Нарзулла Қосимович**  
сийсий фаилар доктори, профессор

**Мунинов Алимшар Гаффарович**  
сийсий фаилар доктори, профессор

**Етакти ташкилот:**

**Илмий номдаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация хиломаси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «27» 10 соат 1000 дақи мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодий фаилар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.) Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@miu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( 75 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, У-МУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Т.: (99871)246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация авторферати 2020 йил «15» 10 да тарқатилди.  
(2020 йил «15» 10 даги 25 рақамли реестр баённомаси).



**Ш.И.Нахруллоев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**А.Х.Холмаматов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиб, ф.д. (PhD)

**Б.Т. Тўйчиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX асрнинг охири ўн йилликлари, XXI асрнинг биринчи чорагида дунё миқёсида солид бўлган ва бўлаётган шиддатли сийсий жараёнлар, ўзгаришлар, ҳодисалар, воқеликлар ҳар бир мамлакат олдида доимий тараққиётни таъминлаш билан бир қаторда, фуқаролик жамияти ва демократик бошқарув тизимини такомиллаштириб боришнинг янгидан-янги йўллари топиш заруратини кўймоқда. Ҳатто, давлат бошқарувини демократлаштириш ва доимий такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасида старлича тажрибага эга бўлган ривожланган мамлакатларда ҳам давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш ҳамда унда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари родини ошириш масалалари долзарб муаммолардан бири сифатида кун тартибидан ўрин эгаллаб келмоқда.

Дунёда юз бераётган демократик ўзгаришлар, ислохотлар жараёни, жамиятни сийсий модернизациялаш муаммолари ва концептуал моделларини аниқлаш, демократик ривожланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини сийсий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш ва унда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари родини ошириш масалалари борасида жаҳондаги кўпгина марказлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун бутунги кунда дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ўз изланишларида давлат бошқаруви тизимига кирувчи ҳокимият органлари ўртасидаги вазифа, функция ва ваколатларнинг тақрорланишини олдини олиш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг давлат бошқаруви тизимида старлича иштироки таъминланмаганлиги каби муаммоларга ўз этиборини қарамоқдалар. Шунингдек, жаҳонда юз бераётган глобал интеграциялашув жараёнида давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлаш тизимини модернизациялашнинг демократик хусусиятларини тадқиқ этишга бўлган кизиқиш ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳамда жамият ишларидаги иштирокига кенг йўл очилгани, ўтган давр мобайнида ННТлари родини кучайтириш орқали фуқароларнинг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган 300 дан зиёд қонун ҳужжатлари ҳаётга жорий этилди. Зеро, «...бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда». Бугунги кунда марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини бир-бириндан ўзаро чекланиши ва давлат бошқарувининг номарказлаштирилиши, улар фаолиятининг очиклигини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан фуқаролик жамият институтлари сайб-ҳаракати орқали «Парламент назорати» ва «Жамоатчилик назорати»ни ҳамда бошқа замонавий назорат шаклларини ўрнигиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ўтган қисқа тарихий давр ичида Ўзбекистонда



давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиклигини таъминлашнинг қонунийлик асослари тубдан ислох қилинди. Ислохотлар жараёнида давлат ҳокимияти органлари ва ННТлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига тўқиллик қилаётган муаммолар бартараф қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги 369-сон Қонуни талабларини бажариш, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 6 ноябрдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонуни қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатини демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сон Фармони ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян назарий манба сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодийни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашда ННТлар ролини ошириш мавзусидаги тадқиқотта Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Қаримовнинг асарлари, мамлакатимиз ҳаётининг янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонни барқарор ва изчил ривожлантиришга оид концептуал гоялари илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашда Европа, АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар олимлари: Н.Мэннинг, Н.Парисон, Б.Спикер, Д.Эмануэл, Ж.Богумил, У.Жан, О.Чэндлер, Н. Лумана, К. Поппера, Ж.Л. фон Бергаланфи, Гидденса, П. Штомпка

қабилир давлат ва жамияти бошқаруви, маҳаллий ҳокимият бошқарувини либераллаштириш ва модернизациялаш ҳамда муниципал маъмурий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш масалаларига доир тадқиқотлар олиб борганлар.

Рус тадқиқотчилари Р.Ф.Абдеевнинг «Ахборотлашган цивилизация фалсафаси», В.П.Макаренконинг «Сийёсий концептология: бугунги кун тартибининг шарҳи», Н.Н.Моисеевнинг «Ахборотлашган жамият янги тарих ривожининг босқичи», А.И.Черныхнинг «Автоматлашган ахборот тизимлари ҳавфсизлигини таъминлаш» каби илмий тадқиқот, диссертация, монографияларда давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги давлат ва жамиятнинг барқарор ривожини таъминловчи ва тўғри қарор қабул қилишнинг муҳим омилли сифатида ўрганилган.<sup>3</sup>

Ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилган. Жумладан, ўтиш даври ва модернизация шароитидаги миллий давлатчиликнинг генезиси, эволюцияси ва ижтимоий парадигма сифатида шаклланиш қонуниятлари А.Саидов, И.Эргашев, Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, А.Рахмонов, М.Бекмуратов, А.Қодиров, В.Қўчқоров, Ф.Равшанов, М.Қирғизбоев, А.Муминов ва бошқаларнинг тадқиқотларида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, давлат сийёсий тизими билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда давлат ва жамият бошқарувини модернизация ҳамда демократлаштиришнинг концептуал жиҳатлари таҳлил қилинган.

Ж.Юсубов, Д.Эриязоров, Б.Хасанов, С.Сандов каби ёш тадқиқотчилар давлат бошқаруви органлари ва ННТларнинг ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратганлар.

Шунга қарамастан, бугунги кунда давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда ННТларнинг бевосита иштироки масаласи сийёсий фаллар нуктаи назаридан яхлит тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти концепцияси ва ижтимоий ҳаётимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни борасида кўллаб илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг энг муҳим маънавий асоси бўлиши – ижтимоий капитал феномени мамлакатимиз илмий жамоатчилигида етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация ишида Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти шаклланишида ижтимоий алоқаларни кенгайтириш, маънавий кадриятларни юксалтириш ва жамиятда ишонч омилни мустаҳкамлаш асносида ижтимоий капитални ошириб бориш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари

<sup>3</sup> Теория систем — критический обзор / Л. фон Бергаланфи // Исследования по общей теории систем. Сборник переводов / под ред. В.Н. Садовского, Э.Г. Юдина. - М.: «Прогресс», 1969.

<sup>4</sup> Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации. - М., 1994. 346 с.; Макаренко В.П. Политическая концептология: обзор повестки дня. - М.: Праксис, 2005. 368 с.; Моисеев Н.Н. «Информационное общество» как этап новейшей истории // Свободная мысль, 1996, № 1.; Мельохин И.С. Информационное общество: истоки, проблемы, тенденции развития. - М., 1999. 290 с.; Черных А. Обеспечение безопасности автоматизированных информационных систем // Советское государство и право 1996, № 6.

<sup>1</sup> Реформа государственного управления: международный опыт. Пер. с англ.-М.: Издательство «Вест. Мир», 2003.; Spicer B., Emamiel D., Powell. Transforming Government Enterprises. - Wellington: Centre for Information Studies, 1996.; Bogumil J., Jan W. Einführung in die Verwaltungswissenschaft. Hagen, 2005.; Chandler J.A. Local government today. Manchester: University Press, 2001.; Garcia J. Local government reform: a comparative analysis of advanced Anglo-American countries / Cheltenham: Edward Elgar Publishing, 2008

<sup>2</sup> Луман, Н. Социальные системы. Очерк общей теории / Н. Луман. - Санкт - Петербург: Изд-во «Юристъ» Поппер, К. Открытое общество и его враги / К. Поппер. - М.: «Феникс», 1992. Бергаланфи, Л. фон Штомпка

иштирокини кенгайтириш масалалари илмий тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг дисертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Дисертация Самарқанд давлат университетини илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Фукарolik жамияти куришининг ижтимоий-сиёсий ва маданий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффолигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, давлат органларининг фукарolik жамияти институтлари, шу жумладан, ННТлар, ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сиёсий фанларда ижтимоий капитал категорияси бўйича дастлабки ривожланган мамлакатларда давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда ННТлар иштирокининг замонавий кўринишлари, тажрибалари, назарий жиҳатлари, моделлари ва концепцияларини очиб бериш;

Харакатлар стратегияси доирасида Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффолигини таъминлашда ННТлар иштирокининг методологик асоси сифатидаги вазифасини илмий таҳлил қилиш ва асослаш;

Ғарбий ва Шарқий Европа, Осиё мамлакатларида давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффолигини таъминлашда ННТлар иштирокининг инновацион тажрибасини ўрганиш ва тизимлаштириш;

давлат фаолиятининг очиклиги ва шаффолигини таъминлашда ННТлар иштирокининг инновацион усулларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви органлари фаолияти ва улар фаолиятининг очиклиги ва шаффолигини таъминлашда ННТлар иштироки ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффолигини таъминлашда ННТлар иштирокини кучайтириш, улар фаолияти устидан турли назорат шакллари ўрнатил, давлат бошқаруви органларининг халқ олдида ҳисобдорлигини янада оширишга доир масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дисертацияда тарихийлик, мантқиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик, киёсий таҳлил, анализ, синтез, хусусийликдан умумийликка ўтиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашда жамоатчилик назорати тизимини горизонтал ва вертикал (турли шакл ва даража) йўналишлар бўйича ривожлантириш ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш ижтимоий-сиёсий зарурият эканлигини очиб берилган;

Ўзбекистонда ахборот-медиа назорат шаклини давлат ҳокимияти

маҳаллий бошқаруви органлари фаолияти очиклиги ва шаффолигини таъминлашда энг самарали усулларидан бирига айлантириш мумкинлиги назарий жиҳатдан асосланган;

мамлакатимизда “Очиклик индекси” мезонларини янада такомиллаштириш борасида маҳаллий бошқаруви органларининг ўтказадиган йнгилишлари, мажлислари ва тadbирларини “Онлайн-видео” тарзда ижтимоий тармоқларда очик намоиш қилиш тақлифи ишлаб чиқилган;

маҳаллий халқ депутатлари Кенгаши мақоми ошириш маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимият ўртасида ўзаро тийиб туриш механизмларининг шаклланишига ҳамда бошқарувда “сиёсий рақобат мухитини”нинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

тадқиқотдан олинган амалий натижалар давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффолигини таъминлашда фукарolik жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш ва ҳуқуқий демократик давлат куриш ислохотларини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тизимини либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнини янада чукурлаштириш ва жадаллаштириш заруратидан келиб чиқилган ҳолда ННТлар иштирокининг оптимал усул ва механизмлари бўйича тавсиялар сифатида хизмат қилади;

тадқиқотдан олинган илмий натижалар сифатида шакллантирилган хулосалар, тақлифлар ва тавсиялар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффолигини таъминлашда ННТлар иштирокининг самарадорлигини оширилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида фаолият юритиши мақсадида қўлланилиши ишнинг амалий аҳамиятини ташкил этади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сиёсий ва ижтимоий фанлар - кратология, партология, сиёсий менежмент, сиёсий социология фанларига доир мавзуларни бойитади, шунингдек, олий ўқув юртларида ўқитилаётган - Ўзбекистон тарихи, ижтимоий фалсафа, фалсафа, ҳуқуқшунослик, социология фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, шунингдек, ДБА, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Фукарolik жамиятини ривожлантириш маркази, ЎЗННТМА каби жамоат ташкилотлари фаоллари малакасини оширадиган бошқа ўқув курсларида ташкил этиладиган ўқишларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашда нодавлат ногажорат ташкилотлари роли Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари доирасида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва тақлифлар асосида куйидагиларга эришилди:

бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашда жамоатчилик



назорати тизимини горизонтал ва вертикал (турли шакл ва даража) йўналишлар бўйича ривожлантириш ҳамда подавлат ташкилотлари ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш ижтимоий-сиёсий зарурият эканлигига оид хулоса ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказида маърузачилар учун “Ўзбекистонда ННТлар фаолияти” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 28.11.2019 йилдаги 02/07-1588 рақамли маълумотномаси). Натжада марказнинг Харакатлар стратегияси 1-қисми: “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”, 1.2.- “Давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш” бандини самарали амалга оширишга қатъи ҳисса қўшган;

Ўзбекистонда ахборот-медиа назорат шаклини давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқаруви органлари фаолияти очқилиги ва шаффофлигини таъминлашда энг самарали усулларидан бирига айлантириш мумкинлигига доир хулосалардан ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг очқилиги ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича таклифлардан “Фуқаролик жамияти” (Харакатлар стратегияси) фани бўйича ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 25.10.2019 йилдаги 89-03-4153 рақамли далолатномаси). Натжада 2019-2020 ўқув йилида “Фуқаролик жамияти” (Харакатлар стратегияси) фани назарий асослари мустаҳкамлашишга муносиб ҳисса қўшган;

мамлакатимизда “Очқилик индекси” мезонларини янада такомиллаштириш борасида маҳаллий бошқаруви органларининг ўтказилган йиғилишлари, мажлислари ва талбирларини “Онлайн-видео” тарзда ижтимоий тармоқларда очик намойиш қилиш таклифига ҳамда давлат органлари раҳбарларининг маънавий-ахлоқий фазилатлари, улар фаолиятининг очқилиги ва шаффофлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашнинг норматив-ҳуқуқий, ташкилий-назорат турларидан ташқари нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан назорат фаолиятининг амалда аниқ мақсадли тарзда йўлга қўйилиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда иштироки даражасини оширишга доир хулосалар “Фуқаролик жамияти” (Харакатлар стратегияси) фани бўйича ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 25.10.2019 йилдаги 89-03-4153 рақамли далолатномаси). Натжада 2019-2020 ўқув йилида “Фуқаролик жамияти” (Харакатлар стратегияси) фани мазмунини бойитишга ҳисса қўшган;

маҳаллий халқ депутатлари Кенгаши мақоми ошириш маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимият ўртасида ўзаро тийиб туриш механизмларининг шаклланишига ҳамда бошқарувда “сиёсий рақобат муҳитини” иши ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишига оид хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Кенгашининг “Ёш депутат” лойиҳаси Низомини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий

кенгашининг 29.11.2019 йилдаги 04-13/6006 рақамли маълумотномаси), Хулосалар Кенгашининг ушбу йўналишдаги фаолиятлари самарадорлиги ошишига ва назарий жиҳатдан мустаҳкамлашишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий нашрларда, 5 таси республика нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тарҳиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 157 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Давлат органлари фаолиятининг очқилигини таъминлашда ННТлар иштирокнинг назарий-методологик асослари» деб номланади. Очқилик - бу сиёсий ҳокимият, давлат бошқаруви ва муносабатлар тизимида бутун ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий кучлар учун ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорликнинг мавжудлигини таъминлайди. Давлат бошқарувининг очқилиги, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар томонидан эркин мулоқотнинг механизмлари тадқиқ қилинган.

Сиёсатшуносликда давлат бошқаруви органларининг фаолияти очқилигини таъминлашга доир қўллаб ёндашувлар мавжуд. Француз файласуфи Генри Бергсон ўзининг “Ахлоқ ва диннинг икки манбаси” китобда “очик ва ёпик жамият” тушунчасини киритди. Очик жамиятни А.Бергсон ижтимоий тузилишнинг идеаллари ва антагонизмлардан холи бўлган халқаро инсонпарварлик жамияти сифатида изоҳлади.

“Давлат бошқарувининг очқилиги фуқаролик ташаббусларининг ҳокимият соҳасига кириб бориши механизми ва каналларини яхшилайдиган шароитларнинг (хуқуқий, процессуал, технологик ва бошқа) мавжудлигини назарда тутди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бизга давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги ўзаро алоқа каналларини

каралishi мумкин. Социологик нуқтага назардан қаралган давлат учун хос бўлган жиҳат — унинг жамиятни бошқариш юзасидан ваколатларини бир қанча ННТларга берилганлиги, бир қатор ижтимоий институтлар қўлида тушунтилганлиги. Шу боис жамиятда бир неча ҳокимий ваколатга эга бўлган тузилмалар мавжуд бўлиши табиий ҳолдир. Шундай қилиб, давлат ва ННТлар ҳамкорлиги мураккаб ҳолига сифатида, унинг турфа талқини ва тушунчасининг турличалигини белгилайди. Шу боис турли даврларда давлат ва ННТлар ҳамкорлигини турлича тушуниш мавжуд.

Давлат бошқаруви органларининг фаолияти очиклигини таъминлашда ННТларнинг бевосита иштироки кўйилганлигининг таъминланганига олиб келади. Хусусан, қонун ижросини таъминлашни мониторинг қилиш ва мустаҳкамлаш; фуқароларнинг ахборот олиш ва ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқини амалга ошириш; давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича конструктив жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш; фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари ишидан қониқиб даражасини ошириш; давлат маблагларининг сарфланиши устидан жамоатчилик назорати.

Давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишда — қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилаётган сиёсатнинг қонунийлигини таъминлаш; давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва самарадорлигини ошириш.

Давлат бошқарувида жамоатчилик назорати — давлат бошқаруви органлари ахборотлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан жамоатчиликнинг фойдаланиши натижасида давлат сиёсатини бошқаришга имкон беради; давлат бошқаруви органлари фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш; фуқароларнинг ахборот ва маълумотлардан тенг фойдаланишини таъминлаш; ахборотларни мунгазам йиғиш ва қайта ишлаш; самарали сиёсатни амалга ошириш учун зарур бўлган фикрлар; маъмурий тўсиқларни камайтириш.

ННТларни давлат ишларида бевосита иштирок этиши — фуқаролик жамияти институтлари ва ННТлар фаолиятини янада ривожлантиради; давлат олдидан турган устувор муаммолар доирасини ҳал этади; аҳолининг давлат ва давлат ҳокимиятига бўлган ишончини оширади; очиклик, шаффоқлик, ошқоралик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган давлат ва жамият ўртасидаги икки томонлама алоқани мустаҳкамлайди; фуқаролик жамияти институтлари, бизнес ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабат самарадорлигини оширади.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожига давлат ҳокимияти органлари ва ННТ алоқадорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» деб номланиб, мазкур бобда давлат органлари очиклиги, уларни модернизация қилиш, «Очиклик индекси» халқаро рейтингларида давлат ҳокимиятининг очиклик индикаторлари, очиклики таъминлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари таҳлил қилинган.

сезиларли даражада кенгайтиришга хизмат қилмоқда”<sup>4</sup>.

Карл Раймонд Поппер ўзининг “Очик жамият ва унинг душманлари” асарига “очик жамият” тушунчасини бироз бошқача талқин қилади. К. Попперда ёпиқ ва очик жамият атамалари рационалистик фарқлашга асосланган. “Ёпиқ жамият сەхрли табуларнинг мавжудлигига ишониб билан тавсифланади ва очик жамият — бу одамлар тақдирини танқид қилишни ўрганиб, ўз қарорларини биргаликда муҳокама қилиш ва ўзларининг ақл-заковати имкониятларига таянган жамият”, деган таърифни беради.<sup>5</sup>

К. Поппер ушбу жамиятдаги одамлар институтларни такомиллаштириш ва ижтимоий ўзгаришлардан фойдаланиб, очик жамиятнинг “ўзгариб турадиган эҳтиёжларига” мослашиш учун режалаштириш ва лойиҳалашда фаол иштирок этишлари кераклигини таъкидлайди. Фақат очик сиёсий ҳокимият ғояси сиёсий технологиялар ёрдамида фуқаролик жамияти манфаатларини йфода этиш ва технологияларни, қонуларни ва бошқаларни ишлаб чиқишда “жамоат мутахассислари” иштирокини таъминлайдиган институтлар ҳамда механизмларнинг мавжудлигини назарда тутлади.<sup>6</sup>

Бугунги кунда давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда ННТларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги қарашлар ва қондаларнинг айримларини инкор этиш, айримларини қайта қараб чиқиш, айримларини эса янги концепциялар доирасида ҳар бир тадқиқотчидан илмийлик ва объективлик тамойилларига асосланиб иш юритишга талаб этади. Ҳозирда давлат ва ННТлар ҳамкорлиги масаласига муносабат тубдан ўзгариб, у турли парадигмалар асосида объектив, ҳолисона таҳлил этилмоқда.

Давлат ва ННТлар муносабати, бу икки ҳодисага нисбатан қарашлар ҳар бир даврда ўзига хос эканлигини эътироф этиш зарур. Шунга мувофиқ, ҳозирги кунда “ҳар бир даврда давлат ва ННТлар ҳамкорлиги ҳақида ўз қарашлари бор”, деб айтиш мумкин. Шу муносабат билан давлат ва ННТларга берилган ҳар қандай таърифда маълум маънода субъектив элемент қанча давлатшунос ва файласуфлар мавжуд бўлган бўлса, шунча давлатнинг таърифи ҳам мавжуд бўлган”, деган фикрини эслаш ўринлидир.<sup>7</sup>

“Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги” тушунчаси социологик маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Бу тарзда қараганда, давлат яхлиг «социологик бирлик», сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий тартиб ва ҳуқуқий реалликдан мустақил мавжуд бўлган «социал реаллик» сифатида ҳам

<sup>4</sup> Robinson A., Robinson L. Building on models of information behaviour: linking information seeking and communication // Journal of Documentation. 2013. No 69, pp. 181-183

<sup>5</sup> Henri Bergson ([1932] 1937). Les Deux Sources de la morale et de la religion, ch. 1, pp. 1-103, & ch. IV, pp. 287-343. Felix Alcan.

<sup>6</sup> Sysoeva L.S. K. R. Popper, F. A. Hajek, Dzh. Soros: Tri vzglyada na otkrytoe obshchestvo [K. R. Popper, F. A. Hajek, J. Soros: Three views of open society] / L.S. Sysoeva // Vestnik Tomskogo gosudarstvennogo pedagogicheskogo universiteta [Bulletin of the Tomsk state pedagogical university]. — 204. — № 2. — P. 8-14. [in Russian]

<sup>7</sup> Гумплович Л.Общее учение о государствах. — СПб., 1910. — С.36 / Ҳавола омили: Проблема теории государства и права / Под ред. д.о.н. проф. М.Н.Марченко. М.: Юристъ. 2015. — С.126.



**Фуқаролар учун ҳукумат маълумотларининг очиклиги** – бу давлат органлари фаолияти тўғрисида аҳолининг хабардорлиги даражаси. **Фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳукуки эса** фуқароларнинг ва ташкилотларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, фуқароларнинг бундай ахборотни олиш ҳукукини амалга ошириш механизмлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш даражасидир.

Давлат идоралари томонидан тақдим этилган маълумотларнинг очиклиги соҳасидаги давлатларнинг асосий хусусиятлари куйидагича:

Давлат маълумотларини тақдим қилиш учун турли хил электрон ресурсларни фаол равишда ривожлантираётган мамлакатлардан бири Бразилиядир. Бу давлатда ҳукумат Шаффофлик портали куйидаги маълумотларни ошкор қилади - барча вазирликлар ва идоралар учун харажатлар бўйича маълумотлар; бюджетни ижро этиш тўғрисидаги маълумотлар; амалга оширилган тўловлар/кегтавлик ҳолати (фактура, тўлов, пул ўтказмаси); федерал ҳукумат, давлат ва шаҳар ҳокимиятлари ўртасидаги барча трансферлар.

Бундан ташқари, ахборот очиклиги концепцияси фуқаролик жамияти билан алоқа қилиш принципини ҳам эълон қилади. Масалан, сиёсий жараёнларни ўрганишнинг тизимли ёндашуви. Ушбу ёндашувнинг асосчиси - Дэвид Истоннинг фикрича, сиёсий жамиятнинг табиатига, унинг тузилишига, ҳукумат турига ва ташқи омилларнинг фаолият даражасига қараб, “кирувчи ва чикувчи омиллар” нинг мураккаб ўзаро таъсири натижасида сиёсий ўзгаришларни ифодалади.<sup>8</sup>

Тадқиқотчи Т. Вилсоннинг фикрига кўра, маълумот бериш хулқ-атвори: “Ахборот ресурслари ва каналлари, жумладан, фаол ва пасив қидириш ва ахборотдан фойдаланиш бўйича инсон хатти-ҳаракатларининг барча мумкин бўлган турларидир”<sup>9</sup>. Ахборотнинг хулқ-атворида ички ва ташқи омиллар, шахсий этикдорлар таъсири остида шаклланган таълим даражаси, ижтимоий мавқеи, диний этикдорлари ва муносабатлар таъсири кўрсатади. Бундан ташқари, ахборот ҳаракати каби бундай ҳодисани шахсни ёки бир гуруҳ одамларнинг идрок қилиш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Хусусан, ахборотни истеъмолчиларни билиш учун материалларни тақдим этиш, олинган маълумотларнинг қутилаётган самарасини олдиндан айта бериш, тушунтириш ишларини бажариш ва манфаатдор гуруҳларнинг эътиборига муҳим маълумотларни етказиш учун формат берилиши мумкин.

Тадқиқот жараёнида мамлакатимизда фаол аҳоли қатлами ҳисобланган 80 нафар профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ННТлар фаолиятидан хабардорлик, очиклик ва шаффофлик, давлат бошқаруви органлари, коррупцион ҳолатлар энг кўп ўчрайдиган давлат органлари, очикликни таъминлашда ННТнинг роли масалалари бўйича сўровномалар ўтказилди. Ўтказилган сўровномалар натижалари шунини кўрсатдики, нафақат

уюлмаган аҳоли қатлами, балки аҳолининг фаол қатлами ҳисобланган профессор-ўқитувчилар ва талабалар хали ННТлар, давлат ҳокимияти очиклиги, ошкоралик ҳақида етарли тушунчаларга, лозим даражада сиёсий ва ҳукукий маданиятга эга эмаслигини кўриш мумкин. Шунингдек, респондентларнинг кўпчилик қисми фикрига кўра, давлат бошқарув органлари очиклик даражаси қониқарли эмас. Ушбу хулосалар респондентларнинг давлат органларига мурожаат қилишлари натижасида юзага келган. Қолаверса, ННТлар фаолиятининг фуқароларимиз ҳаётида сезилмаслигини кўришимиз мумкин. Хусусан, “Сизнинг хулудингизда фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилотларни биласизми?”, деган саволга респондентларнинг 54 нафари - “Ҳа”, 22 нафари - “Йўқ” ва 4 нафари - “Улар ҳақида тушунчам йўқ” деб, “Фикрингизча, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида очиклик принципи таъминланганми?” деган саволга респондентларнинг 24 нафари - “Ҳа”, 34 нафари - “Йўқ”, 22 нафари - “Жавоб беришга қийналанман”, деб жавоб берган.

Ушбу ҳолат давлат органлари ва бошқарувининг очиклиги ва шаффофлиги, мамлакатда олиб борилётган демократик ислохотлар, хусусан унда ННТнинг иштироки масаласини таълим-тарбия жараёнида, турли хил тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш орқали аҳоли онига сингдириб, биринчи навбатда уларда мазкур йўналишлар бўйича манфаатдорлик хиссини кўчайтириш кераклигидан далolat беради. Очикликни таъминлашга фақатгина давлат органларида назоратни кўчайтириш, маъмурий ислохотларни жадал амалга ошириш ёки ННТлар фаолигини ошириш хисобига эришилмайди. Бунинг учун энг аввало, юксак онг ва маданиятга эга фуқаролар шаклланиши лозимлиги таъкидланган.

Бу борада бир қанча (Н.Б.Донг<sup>10</sup>, У.Даллек, Б.Торглер) олимларнинг қарашлари таҳлил этилди. Коррупция бир неча турларга ажратилган. Унинг субъектларининг мақомига, даражасига кўра қуринишлари ўрганилган.

Коррупцияга қарши курашда юқори натижаларга эришган Швеция, Сингапур, Гонконг, Португалия каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш шунини кўрсатадики, коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашда муҳим ўрин эгаллайди. Хитойда эса коррупцияда кўлга олинган ва айдоор шахсни оммавий қатл қилиш амалиёти қўлланилади. Коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ва шакли аҳолининг иқтисодий ва сиёсий тенгсизлигини кучайтиради, қашшоқликни оширади, ижтимоий зиддиятларнинг кучайишига олиб келади, бозор иқтисодиётининг самардорлигини пасайтириши ва мавжуд демократик институтларни йўқ қилиши алоҳида таъкидланган.

Илмий ишда ҳокимият хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қадимдан жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб, олимлар “қонунга эмас, балки зўравонлик таҳдидига таянган назоратсиз ҳокимиятдан хавфлироқ нарса йўқ”

<sup>8</sup> Елдохимов В.А. Интерактивность как качество публичной политики. // Политика. 2011. №5. - С. 21-25.  
<sup>9</sup> Robinson A., Robinson L. Building on models of information behaviour: linking information seeking and communication / Journal of Documentation. 2013. No69, pp. 181-183.

<sup>10</sup> Dong, B. Social norms and corruption. // B. Dong, U. Dulleck, B. Torgler. // Proceedings of the European Economic Association and the Econometric Society European Meeting, Barcelona Graduate School of Economics, Catalonia, Spain / ed. by A. Ciccone. - Brisbane: Queensland University of Technology, 2009. - P. 1-48.



эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, “жамиятнинг ҳокимият устидан назорат ўрнатилганга қадриллиги – фуқаролик жамиятининг асосий белгисидир. Фақат ҳуқуқий шаклга эга бўлган назоратгина ҳокимиятни ҳуқуққа бўйсундиради ва фақат фуқаролик жамияти шароитидагина давлат “ҳуқуққа тобе” бўлади ва “ҳуқуқий давлат” мақомига эга бўлади”, деган фикрлар ривожлантирилган.

Илмий адабиётларда жамоатчилик назорати институти турли таърифлар орқали талқин этилади. Хусусан, бу борада илмий тадқиқотлар олиб борган россиялик олим А.В.Соколов давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга – демократиянинг асосий белгиси ҳамда давлат ҳокимият органлари фаолияти ҳақида умумий хабардорлик қилиш жараёни<sup>11</sup>, деб қарайди. Ушбу фикр тадқиқотда ўрганилиб, ўз тасдиғини топган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан жамоатчилик назоратига ислохотларнинг асосий механизми сифатида қаралмоқда. Юртбошимизнинг фикрича: “Жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизимини яратилганга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.”<sup>12</sup>

Диссертацияда жамоатчилик назорати – кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиларидан бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг қонунга мувофиқлик нуктан назаридан мунтазам назорат қилиниши илмий асослаб берилган. Бундай назорат, одадда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини таҳлил қилиш, бу борадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш, баҳолаш ва тегишлича баён қилиш орқали намоён бўлишининг таҳлиллари бериб ўтилган.

11 Соколов А.В. Механизмы и принципы информирования о деятельности органов власти и управления // СМН в информационном взаимодействии власти и общества. Материалы всероссийской конференции. (Москва, 17-18 марта 2005 г.) – М.: Издательство «Хронос», 2005. – С. 272

12 Мирзиёев Ш. “Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишининг 27 йиллигига бағишланган маърузаси. 07.12.2019. Тошкент шаҳри. //Uz.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш» деб номланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: “Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

